

Ҳақиқий тафаккур



08:00 / 15.08.2020 1403

Бир киши чодирда ўтирган дарвешнинг олдидан ўтиб қолиб, шундай деди:

- Сенинг дўстинг ким?
- Қалбим.
- Суҳбатдошинг ким?
- Сабр.
- Нима билан вақтингни ўтказасан?
- Дунёдаги мискинлар зикри билан ўтказаман.
- Дунёда нима кўрдинг?
- Ўлимдан ростгўй нарсани кўрмадим.
- У ҳақда ўйламайдиганлар ҳақида нима дейсан?
- Уни фақат тириклар фикр қилади, ўйлайди. Ўликлар дунёга муҳаббати туфайли ўзини ўзи ўлдиради. Бундайлар сира тафаккур қилмайди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан